

Бу байроқни бир кишига бераманки...

09:05 / 25.01.2018 3936

У кишидан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар куни: **«Бу байроқни бир кишига бераманки, у Аллоҳ ва расулини яхши кўради ҳамда унинг қўлида Аллоҳ фатҳ қилади»**, дедилар. Умар розияллоҳу анҳу: «Амирликни фақат ўша куни орзу қилдим. Ва мени чақиришларини умид қилиб, баланд-баланд бўлиб кўтарилиб турдим», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни чақириб, байроқни унга бердилар. Ва: **«Аллоҳ сенга фатҳ қилгунча у ёқ-бу ёққа қарамасдан олға юр»**, дедилар. Али бироз юриб тўхтадилар-да, у ёқ-бу ёққа қарамасдан, «Эй Аллоҳнинг расули! Нима ниятда одамлар билан жанг қилай?» деб бақирдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад Унинг расули, деб гувоҳлик беришгунча жанг қилавер. Қачон шундай қилишса, сендан ўз қонлари ва молларини сақлаб қолишади. Фақатгина шариат ҳаққи билан жавобгарликка тортилади (яъни, шариат ман қилган жиноят содир қилса, жазога тортилади). Уларнинг ҳисоби эса Аллоҳнинг Ўзигадир»**, дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.